

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ДАУКЕЕВА АЙДЫН ОРАЛБАЕВНА

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ АКМЕОЛОГИК
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК-
ПЕДАГОГИК ШАРТЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2020

**Педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
педагогическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD) on
pedagogical sciences**

Даукеева Айдын Оралбаевна

Бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини

ривожлантиришнинг психологик-педагогик шартлари 3

Даукеева Айдын Оралбаевна

Психолого-педагогические условия развития

акмеологической компетентности будущих учителей 27

Daukeeva Aydin Oralbaevna

Psychological and pedagogical conditions for the development

of acmeological competency of future teachers 52

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 56

**НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМий ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01
РАҚАМЛИ ИЛМий КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

ДАУКЕЕВА АЙДЫН ОРАЛБАЕВНА

**БЎЛАЖАК ЎҚИТУВЧИЛАРНИНГ АКМЕОЛОГИК
КОМПЕТЕНТЛИГИНИ РИВОЖЛАНТИРИШНИНГ ПСИХОЛОГИК-
ПЕДАГОГИК ШАРТЛАРИ**

13.00.01 – Педагогика назарияси. Педагогик таълимотлар тарихи

**ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

НУКУС – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2020.1.PhD/Ped1254 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (рус, ўзбек, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.ndpi.uz) ҳамда «Ziyonet» Ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Урзова Марина Батыровна**
педагогика фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Адизов Бахтиёр Рахмонович**
педагогика фанлари доктори, профессор

Рахимов Бахтиёр Худайбергенович
педагогика фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Жиззах давлат педагогика институти**

Диссертация ҳимояси Нукус давлат педагогика институти ҳузуридаги илмий даражалар берувчи DSc.03/30.12.2019.Ped.34.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2020 йил «05» декабрь соат 10:00 даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй.) Тел.: (+998) 61-229-40-75; факс: (+998) 61-229-40-75; e-mail: nkspi_info@edu.uz

Диссертация билан Нукус давлат педагогика институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (14 - рақами билан рўйхатга олинган). (Манзил: 230105, Нукус шаҳри, П.Сейтов кўчаси рақамсиз уй. Тел.: (+998) 61-229-40-75; факс: (+998) 61-229-40-75.

Диссертация автореферати 2020 йил «21» Х1 куни тарқатилди.
(2020 йил «21» Х1 даги 14 рақамли реестр баённомаси).

**Б.П. Отемуратов**
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, ф.-м.ф.д., доцент

З.К.Курбаниязова
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, п.ф.н., доцент

Т.Т.Утебаев
Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, п.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда олий таълим тизимидаги тараққиёт тенденциялари, касбий компетентликни шакллантириш ва унинг барқарорлиги даражасини ошириш, акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил мантиқий фикрлаш, фаол ижодий қобилиятларини ўстириш долзарб масалалардан ҳисобланади. Шу йўналишда халқаро ҳамжамиятда нуфузли ўрин эгаллайдиган, жаҳон меҳнат бозорида рақобат қила оладиган, касбий жиҳатдан етук акмешахсларни, фаол мутахассисларни етиштириш муҳим аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Илмий-тадқиқот ва олий таълим муассасаларида шахсни ривожлантириш ва камол топтириш, бўлажак мутахассисларни касбий тайёрлаш ва акмеологик ёндашув асосида уларнинг касбий етуклигига эришиш жараёнларини такомиллаштириш бўйича замонавий технологияларни ривожлантириш юзасидан илмий изланишлар олиб борилмоқда.

Халқаро миқёсдаги фан ва техника тараққиёти, ишлаб чиқаришдаги илғор тажрибалар, табиат ва жамиятда юз бераётган ўзгаришлар, уларнинг жадаллик билан амалиётга жорий этилиши касбий таълимда кадрлар тайёрлаш педагогик-психологик механизмларини такомиллаштириш заруратини талаб қилмоқда. Бу эса касбга тайёрлашнинг интенсив шакллари кўллаш, таълимнинг педагогик-психологик-акмеологик вазибаларини интеграциялаш, ўқув-тарбия жараёни учун акмеологик касбий йўналиш методларини ишлаб чиқиш муҳимлигини кун тартибига қўймоқда. Таълим муҳитини акмеологик ёндашув асосида такомиллаштиришга бўлган бундай муносабат акмешахс ҳисобланган мутахассисни шакллантириш, касбий таълимни ривожлантириш, кадрлар тайёрлаш сифатини яхшилаш, бу жараёни илмий-методик жиҳатдан таъминлаш имконини берадики, бу эса мазкур диссертация тадқиқотининг долзарблигини таъминлайди.

Республикамизда узлуксиз таълим тизимини янада такомиллаштириш, сифатли таълим хизматлари имкониятларини ошириш, меҳнат бозорининг замонавий эҳтиёжларига мос юқори малакали кадрлар тайёрлаш сиёсати изчил давом эттирилмоқда. Жумладан, таълим-тарбия тизимини илғор хорижий тажрибалар асосида янги босқичга кўтариш, педагог кадрлар тайёрлашнинг инновацион механизмларини ишлаб чиқиш ва амалиётга жорий этишга доир кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, педагог кадрлар тайёрлашнинг инновацион тизимини ишлаб чиқиш, педагогика соҳасидаги илмий тадқиқотларни истиқболли мақсадларни кўзлаб амалга ошириш механизмларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида “Таълим ва ўқитиш сифатини баҳолашнинг халқаро стандартларини жорий этиш асосида олий таълим муассасалари

фаолиятининг сифати ҳамда самарадорлигини ошириш”¹ каби муҳим вазифалар белгиланди. Бу эса олий таълим сифати ва самарадорлигини оширишда бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини ривожлантириш, интеллектуал салоҳиятини тараққий эттиришнинг психологик-педагогик шартлари ва механизмларини такомиллаштириш долзарб аҳамият касб этишини кўрсатади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон, 2019 йил 8 октябрдаги “Ўзбекистон Республикаси олий таълими тизимини 2030 йилгача ривожлантириш концепциясини тасдиқлаш тўғрисида”ги ПФ-5847-сон Фармонлари, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сонли, 2018 йил 5 июндаги “Олий таълим муассасаларида таълим сифатини ошириш ва уларнинг мамлакатда амалга оширилаётган кенг қамровли ислохотларда фаол иштирокини таъминлаш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 3775-сон Қарорлари ҳамда мазкур соҳага тааллуқли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда, шунингдек, “2020 йил – Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили” Давлат дастурида белгиланган вазифаларни амалга оширишда мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг I. “Демократик ва ҳуқуқий жамият, маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодиётни шакллантириш” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Акмеологик ёндашув асосида бўлажак ўқитувчилар шахсини оптимал такомиллаштиришнинг назарий ва амалий асосларини ишлаб чиқиш муҳим омиллардан бири саналади. Шу боис бу муаммо фанда ҳар томонлама ва чуқур кўриб чиқилган.

Республикаимиз олимлари М.Бекмурадов, Н.А.Муслимов, А.Ш.Солиев, Г.Х.Тиллаева, Б.Х.Ходжаевлар томонидан мутахассислар касбий тайёргарлигининг самарали ва истиқболли концепциялари ишлаб чиқилган.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги (МДҲ) мамлакатлари олимлари Б.Г.Ананьев, А.М.Деркач, А.С.Глинский, Л.Г.Грибенюк, Т.В.Зобница, Н.В.Курбет, А.М.Леонтьев, Г.В.Миронова, В.П.Медведев, А.Т.Некрасовалар томонидан таълимда акмеологик ёндашув масалалари ўрганилган.

Хорижлик Boele de Raad, Gregory K.Patton, Wendell R.Gamer, Thomas Deißinger, Peterson C., Seligman M.E.F., Vaillant G.E., Zullo H.H., Oettingen G., Drapeau Patti, Albert Bandura, Richard Walters, Louis Cohen, Thomas K., Khanna J.K. каби олимлар томонидан психологик-акмеологик муаммолар тадқиқ этилган.

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сонли Фармони // Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари тўплами, 2017 й., 6-сон, 70-модда.

Тадқиқотнинг диссертация бажарилган олий таълим муассасаси илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти “Педагогика” кафедрасининг “Бўлажак ўқитувчиларда педагогик маҳоратни шакллантиришнинг педагогик асослари” (2017–2020 йй.) мавзусидаги илмий тадқиқот ишлари режаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади олий педагогик таълим тизимида бўлажак ўқитувчилар акмеологик компетентлигини ривожлантиришнинг психологик-педагогик шартларини такомиллаштиришдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлиги мазмуни ва тузилмасини аниқлаштириш;

бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини ривожлантириш жараёнининг назарий моделини ишлаб чиқиш;

бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигининг ривожланиш самарадорлигини оширишга хизмат қиладиган психологик-педагогик шароитларни аниқлаштириш;

бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини ривожлантириш жараёнининг диагностика тизимини ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини ривожлантириш жараёни белгиланиб, тажриба-синов ишларига Бухоро давлат университети, Нукус давлат педагогика институти, Урганч давлат университетининг 563 нафар респондент-талабаси жалб қилинган.

Тадқиқотнинг предмети – бўлажак ўқитувчилар акмеологик компетентлигини такомиллаштиришнинг психологик-педагогик шартларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатлар, илмий манбаларни ўрганиш ва таҳлил қилиш методи, тадқиқотнинг мақсади ва вазифаларига мос келувчи кузатиш, анкета, сўровнома, тест синовлари, педагогик-психологик, моделлаштириш, қиёслаш, математик-статистик таҳлил ҳамда тажриба-синов методларидан фойдаланилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини ривожлантириш тузилмаси (когнитив, регулятив, рефлексив, норматив, коммуникатив) мотивацион-шахсий сифатлар, операционал акмеологик билим ва кўникмаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнига продуктив татбиқ этилишининг интерактивлигини таъминлаш асосида аниқлаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини ривожлантириш моделининг амалий-технологик компоненти психодиагностик, ривожлантирувчи, консултацион, коррекцион методларни касбий соҳага мақсадли адаптив қўллаш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитлари (инновацион муҳитни ўрганиш, субъектив позиция, интеллектуал қобилият, ўз-ўзини актуаллаштириш) ижтимоий-перцептив, аутопсихологик механизмларни идентификаторлигини ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган;

бўлажак ўқитувчилар акмеологик компетентлигини ривожлантиришнинг диагностика тизими (босқичлари, мезонлари, воситалари) талабаларда касбий мослашув, педагогик маҳоратни таркиб топтиришга йўналтирилган акмеологик муҳит барқарорлиги мақбуллигини бевосита ҳисобга олиш асосида такомиллаштирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини ривожлантиришда психологик-педагогик шарт-шароитларни такомиллаштириш ўқув жараёни самарадорлигининг бир мунча ошишини таъминлайди ва уларнинг касбий тайёргарлиги сифатига бевосита таъсир қилади;

“Бўлажак ўқитувчиларнинг касбий ва шахсий ривожланиш асослари” мавзусида ишлаб чиқилган ва апробациядан ўтказилган махсус семинар-курс бўлажак мутахассислар шахсий акмеологик компетентлигининг ўсишига имкон яратади ва у ўқитувчилар касбий тайёргарлиги амалиётида кенг фойдаланилади;

“Ўқитувчи психологияси” мавзусини ўқитишда инновацион технологиялардан фойдаланиш” номли услубий кўрсатма ишлаб чиқилиб, таълим жараёнидаги амалий машғулотлар тизимида жорий этилган;

тадқиқот асосида ишлаб чиқилган ва Нукус давлат педагогика институтида педагогик жараёни такомиллаштириш бўйича фаол қўлланаётган амалий тавсиялар, педагогика ва психология кафедраларида аниқ методикалар бўйича амалга оширилаётган таклифлар талабаларнинг педагогик амалиёти тизимида кенг қўлланилмоқда.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги расмий манбалардан олинган ёндашув ва усулларнинг қўлланилганлиги, назарий маълумотлардан фойдаланилганлиги, келтирилган таҳлилларнинг асосланганлиги ва тажриба синов ишларининг самарадорлиги, унинг натижалари математик статистика методи орқали асосланганлиги, хулосалар, таклифлар ва тавсияларнинг амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли ташкилотлар томонидан тасдиқланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти психологик-педагогик шарт шароитларни қўллаш орқали бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини ривожлантириш мазмуни ёритиб берилганлиги, талабаларни педагогик фаолиятга тайёрлаш босқичлари, йўналишлари, мезонлари ва кўрсаткичларининг аниқлаштирилганлиги, бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлиги тизими ва компонентларининг такомиллаштирилганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти педагогик шартларнинг ихчамлаштирилганлиги ва педагогик-психологик фанларни ўқитиш жараёнида педагогик-психологик шарт-шароитларни қўллаш шартлари, бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини шакллантиришнинг амалий-технологик тизими ишлаб чиқилганлиги ҳамда касбий акмеологик компетентликни шакллантиришнинг илмий модели ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик компетентликни ривожлантиришнинг психологик-педагогик шартларини такомиллаштириш бўйича тадқиқот натижалари асосида:

бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини ривожлантириш тузилмасини аниқлаштириш, мотивацион-шахсий сифатлар, операционал акмеологик билим ва кўникмаларни касбий-педагогик фаолиятга тайёрлаш жараёнига продуктив татбиқ этилишининг интерактивлигини таъминлашга доир таклиф ва тавсиялар бакалаврият босқичининг “Педагогика ва психология” таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган “Психодиагностика ҳам экспериментал психология” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2018 йил 25 августдаги 744-сон буйруғи, 744-105 рақамли гувоҳнома). Натижада, ушбу таклиф ва тавсиялар бўлажак педагог-психологларда акмеологик билимларни ривожлантириш самарадорлигини оширишга хизмат қилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини ривожлантириш моделининг амалий-технологик компонентини такомиллаштириш, психодиагностик, ривожлантирувчи, консултацион, коррекцион методларни касбий соҳага мақсадли адаптив қўллаш, бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини ривожлантиришнинг педагогик-психологик шарт-шароитларини аниқлаштиришга доир таклиф ва тавсиялар бакалаврият босқичининг “Педагогика ва психология” таълим йўналиши талабалари учун тайёрланган “Шаңарақ психологияси” номли дарслик мазмунига сингдирилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2019 йил 20 июлдаги 654-сон буйруғи, 654-114 рақамли гувоҳнома). Натижада, бўлажак педагог-психологларнинг акмеологик компетентлигини ривожлантиришнинг аутопсихологик асосларини такомиллаштиришга эришилган;

бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини ривожлантиришнинг диагностик тизимини такомиллаштириш, талабаларда касбий мослашув, педагогик маҳоратни таркиб топтиришга йўналтирилган акмеологик муҳит барқарорлигининг мақбуллигини таъминлашга доир амалий тавсиялардан А1-ХТ-0-92997 рақамли “Ёшларни умуминсоний, миллий ва тарихий қадриятлар уйғунлиги асосида маънавий-ахлоқий тарбиялаш муаммолари” (2012-2014 йй.) амалий лойиҳасини бажаришда фойдаланилган (Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2020 йил

4 мартдаги 89-03-966-сон маълумотномаси). Натижада, бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини ривожланганлик даражасини баҳолаш самарадорлигини оширишга эришилган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 2 та халқаро ва 4 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилиниши. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш, жумладан, 1 та услубий кўрсатма, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси томонидан докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 10 та мақола, жумладан, 6 таси республика ва 4 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, учта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Асосий матн 129 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объекти ва предмети аниқланган, ишнинг фан ва технологияларни ривожлантиришнинг муҳим йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганганлик даражаси, уни тадқиқ қилиш усуллари баён қилинган, тадқиқотнинг илмий янгилиги, назарий ва амалий аҳамияти, натижаларнинг амалиётга жорий этилиши, эълон қилинганлиги, ишнинг тузилиши борасидаги маълумотлар киритилган.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчининг акмеологик компетенциясини ўрганишнинг назарий-методологик асослари”** деб номланган биринчи бобида илмий асосда рақобатбардош мутахассислар тайёрлашга қаратилган ўқув жараёнининг акмеологик компетентлашган йўналишларининг тарихий ва назарий асослари ёритиб берилган.

Масала назарияси юзасидан акмеологик, психологик, педагогик адабиётларда Л.В.Абдалина², Ю.С.Артемов³, В.И.Звягинцев, Н.А.Коваль, Т.А.Полозова, Е.В.Селезнева, В.В.Щербина, С.Е.Шишовларнинг таҳлилига кенг ўрин берилган.

Бўлажак ўқитувчининг акмеологик компетенциясини тадқиқ этишнинг методологик асосини қуйидаги ишлар ташкил этди:

Психологиянинг фундаментал ғоялари ва тамойиллари – онг ва фаолият бирлигини К.А.Абульханова-Славская⁴, Б.Г.Ананьев, Л.С.Выготский, А.Н. Леонтьевлар, детерминизм ва тараққиётни Л.И.Анцыферова, В.Г.Асеев,

² Абдалина Л.В. Акмеологический подход в условиях дополнительного профессионального образования / Л.В. Абдалина // Вопросы образования. – 2006. – №3 (23). – С. 49–52; 14.

³ Артемов Ю.С. Мотивация акмеологической компетентности управленцев: автореф. дис. ... канд. психол. наук / Ю.С. Артемов. - М., 2002. - 25 с.

⁴ Абульханова-Славская К.А. Акмеологическое понимание субъекта. К кн.: Основы общей и прикладной акмеологии. - Москва: РАГС, 1995. - 205 с.

С.Л. Рубинштейнлар, тизимли ёндашувни Б.Г.Ананьев, Б.Ф.Ломов, Э.Г.Юдинлар, шахсий ёндашувни К.А.Абульханова-Славская, Л.И.Анцыферова, В.И.Слободчиковлар, субъектив ёндашувни Г.И.Аксенова, В.А.Брушлинский, А.С. Очев, В.А. Петровский, В.А.Сластенинлар, фаолиятлиликни Е.М.Иванова, А.Н.Леонтьев, С.Л.Рубинштейн, В.Д.Шадриковлар, гуманитар ёндашувни Д.А.Белухин, С.В.Кульневич, А.Маслоу, К.Роджерс, И.А.Якиманская, акмеологик ёндашувни А.А.Бодалев, А.А.Дерчак, В.Г.Заикин, Н.А.Коваль, Н.В. Кузьминалар кенг баён этишган.

Тизимли ёндашув бутуннинг амал қилишини таъминловчи даражали тузилиш, даражаларнинг ўзаро таъсири масалаларини очиб беради. У бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетенциясини бир бутун ҳисобланган, ўрганилаётган мақсадга эришишга йўналтирилган, ўзаро боғлиқ ва ўзаро шартланган структурал-функционал компонентлар йиғиндиси сифатида тасаввур этишга; доимий ҳаракатда ва ўзгарувчан бўлган динамик характерли шахсий-касбий тараққиётни, бўлажак ўқитувчининг акмеологик ва потенциалли имкониятларини акс эттирувчи ва ҳар сафар янгиланиб турувчи, ўзини сифат жиҳатидан янгича даражада намоён этувчи ҳолатларни тўлдирувчи ҳодиса сифатида тасаввур қилишга имкон беради (П.К.Анохин, И.В.Блауберг, Б.Ф.Ломов, В.Д.Шадриков, Э.Г.Юдин).

Ўқитувчи шахсига индивидуал ёндашув бўлажак ўқитувчининг акмеологик компетенциясини ривожлантиришга мўлжалланган бўлиб, у ўқитувчи шахсига қадрият, мақсад, субъект, натижа ва самарадорликнинг бош мезони сифатида муносабатда бўлади. Чунки шахс доим ўзини ўзи ривожлантириши учун керакли вазиятларни танлайди, бу вазиятлар унинг онгида ўзини ўзи англаш, намоён этиш, такомиллаштириш, ўзини кўрсатиш зарурати билан пайдо бўлиб, шахс ўзининг касбий ва индивидуал ривожланиши учун энг зарур йўл тутишга ҳаракат қилади.

Бизнинг тадқиқотимизда компетентлик фаолиятли ёндашув нуқтаи назаридан билим, малака ва йўналтирилган фаолиятни юксак касбий даражада бажариш усуллари, шахснинг мураккаб интегратив сифати, фаолиятига восита бўлувчи ва унинг самарадорлигини оширишга йўналтирилган тизимлар сифатида тасвирланган.

Гуманитар ёндашув эса бўлажак ўқитувчи шахсининг ўзини намоён қилувчи жараён сифатидаги шахсий-касбий ривожланишини очиб бериш, унда янги энг муҳим, ҳаётий зиддиятларни мустақил ҳал қила олиш қобилиятларини рағбатлантириш, нафақат ўқитувчининг, балки таълим жараёни барча иштирокчиларининг интеллектуал имкониятларини фаоллаштиришга йўналтирилган ўқитувчининг шахсий-касбий сифатларини намоён қила олади. Акмеологиянинг гуманитар вазифаси шундан иборатки, у инсон ҳаётининг ҳаққонийлигини, ўзини тўла намоён қилаётганини англашга ёрдамлашади.

Акмеологик ёндашув доирасида фаолиятли ва шахсий-фаолиятли ёндашув тамойилларининг интеграцияси воситасида компетентлик муайян

қонуният, шароит ва омилларни ҳисобга олган ҳолда таҳлил этилганда, вояга етган кишилар муайян фаолиятининг олий даражасини таъминлайди (Н.Н.Никитина).

Назарий таҳлил шуни тасдиқлайдики, акмеологик тадқиқотларда компетентли инсоннинг ўз касби талабларига мувофиқ келувчи сифатлари касбий хусусиятлари (А.Маслоу), фаолиятининг самарадорлигига таъсир этувчи омиллар (В.А.Маркелова) қараб чиқилади. Шундай қилиб, компетентли касб-ҳунарнинг зарурий шарти мутахассис касбий фаолияти самарадорлигини билдирувчи ва унинг шахсий-касбий ривожланишига восита бўлувчи сифатлар йиғиндисидир.

Олиб борилган назарий таҳлиллар шунга имкон берадики, акмеологик компетентлик шахснинг кўп босқичли интеграл шахсий-фаолиятли сифати бўлиб, у инсонга ўз олдига муайян бир вазифалар қўйиш ва уларни самарали ечиш, ўзини ўзи фаоллаштириш, такомиллаштириш ва ўзини ўзи намоён этиш борасида ҳар хил мураккаблик даражасига эга бўлган муаммоларни турли ҳаётий фаолиятлар доирасида, биринчи навбатда, касбий соҳада ҳал қилиш имконини беради (Ю.С.Артемов).

Акмеологик компетентлик субъектнинг касбий ривожланишини, ҳар хил ҳаётий шароитларда, турли соҳаларда ҳал қилувчи қарорлар қабул қила олиш қобилиятини, ютуқларга эришиш даражасининг юқорилигини таъминловчи ҳаракатларни бажара олишини, ўзида мавжуд бўлган психологик ва акмеологик захираларни тўла воқеликка айлантира оладиган қобилиятларини акс эттиради (А.В.Петровский, М.Г.Ярошевский).

Психологик-педагогик адабиётлар таҳлилига асосланиб акмеологик компетентлик мазмунини шундай белгиладикки, у касбий фаолият, касбий талаблар, қадриятли мўлжаллар, касбий ўзини ўзи баҳолаш жараёнидаги субъект шахсий талабларининг ифодаланиш даражаси десак, тўғрироқ бўлади.

Акмеологик компетентлик моҳияти ва мазмуни шуни аниқлашга имкон бердики, акмеологик компетентлик – шахс янги сифат ҳолатининг юзага келишини кўрсатувчи касбий ижодкорлик, унга эгалик, рефлексия каби компонентлар интеграциясидан иборат бўлган ҳолат.

Кўпгина олимлар касбий ижодкорликни педагогик вазифанинг қўйилиши ва унинг ижобий ҳал қилиниши масаласи билан боғлайдилар ёки педагогик вазифа ўз моҳиятига кўра педагогик жараённинг “эвристик маркази”, дейилган (В.А.Кан-калинк, Н.В.Кузмина, В.А.Сластенин). Биз касбий-педагогик вазифа деганда, бўлажак ўқитувчининг мақсад, предмет, усулларни ўзида жамловчи касбий ҳаракатларни тушуниш натижалари, уларни бажариш зарурати ва шароитларини тушунализ. Касбий-педагогик вазифаларни аниқлашга бундай ёндашув масалаларни ечиш жараёни ва талабларни, бу жараёнда ўқитиш масалаларини бутунлай янгича аниқлайди.

Бўлажак ўқитувчи ўз шахсий ҳаёти стратегиясини билими асосида ташкил қилиши билан бир қаторда бевосита педагогик жараённи башорат қилиш ва лойиҳалаш усулларини ҳам эгаллаган бўлиши, педагогик мақсадларни конкретлаштириш ва уларни педагогик вазифалар тизимига

трансформация қилиш йўлларини ҳам билиши лозим. Ҳар бир нарсани амалий эгаллаш санъати олға қўйилган мақсадлар мазмунини тўла қамраб олувчи вазифаларни аниқ белгилашни тақозо этади. Шундай қилиб, башорат қилиш ва яхлит фараз қилишни билмайдиган бўлажак ўқитувчи юқори малакали мутахассис бўлиб етишиши мумкин эмас. Чунки мақсадни англаш фаолиятга импульс беради, инсоннинг барча ижодий кучларини сафарбар қилади, уни касбий чўққи томон етаклайди. Яхлит фараз қилиш жоиз, деб билиш бўлажак ўқитувчи акмеологик компетенцияси таркибидаги ҳал қилувчи элементдир.

Назарий таҳлиллардан шундай хулосага келдикки, бўлажак ўқитувчилар акмеологик компетенлигининг рефлексив компоненти шаклланиши жараёнида ўқитувчининг ўзини ўзи англаши ва маънавий дунёси, шахсий ҳаракатлари ва ҳолатлари, меҳнат жараёнидаги роли ва ўрнини қайта фикрлашга йўналтирилган психик фаолият ривожланади (К.А.Абульханова Славская).

Шундай қилиб, бизнинг фикримизча, бўлажак ўқитувчининг акмеологик компетенцияси унинг ўз касбий фаолиятини малакали амалга оширишдаги назарий ва амалий тайёргарлиги ва яхлит қобилияти сифатида изоҳланади. Бу таърифда ўқитувчи касбий малакаларининг йиғиндисидан акс этган, уларнинг амалиётда, касбий вазифаларни бажариш жараёнида қўлланилиши мутахассис фаолиятининг мақсадга мувофиқ натижавийлик даражасини таъминлайди.

Билдирилган фикрларни инобатга олиб, акмеологик компетентликнинг қуйидаги элементларини ажратиш мумкин: ўқитиладиган фанлар доирасидаги махсус ва касбий компетентлик, билимларни шакллантириш усуллари доирасидаги методик компетентлик ва ўз-ўзини таҳлил қилишда аутопсихологик компетентлик кўникмалари.

Акмеологик таҳлил, психологик-педагогик адабиётлар таҳлили етакчи акмеологик механизмларни аниқлаш имконини берди, жумладан: акмеологик компетентлик бўлажак ўқитувчиларнинг касбий малакасини оширишга ёрдам беради; фаолияти давомида бўлажак ўқитувчининг ўз-ўзини бошқаришида шахсий фикрга эга бўлиш, келажак учун мазмунли режаларни шакллантириш; позициянинг субъективлиги учун мазмуний бўлмаган режаларни шакллантириш тўғрисида алоҳида маънолар ва муносабатларга асосланган, танлашга тайёр бўлган фаолиятни амалга ошириш билан боғлиқ шахсий кўринишлар мажмуи; турли-туман ҳаётий ва касбий муаммоларни ҳал қилиш ва баҳолаш; ўз-ўзини тасдиқлашга интилиш ишончли хаттиҳаракатларда, муаммоли вазиятларни мустақил ҳал қилишга интилишда намоён бўлади; “мен концепцияси”нинг мавжудлиги шахснинг ўзи ҳақидаги тасаввурлари тизими бўлиб, қуйидаги фазилятлар тизимини ўз ичига олади: ўзини англаш, ўз-ўзини баҳолаш, ўз фикрига эга бўлиш, ўзини ҳурмат қилиш, мустақиллик; касбий фаолиятида маълум даражада натижага эришишга интилиш – даъво қилиш, касбни севиш, касбий бурч ва масъулият ҳисси; ички ресурсларни ривожлантиришга, шахснинг касбий фаоллигини рағбатлантиришга йўналтирилган касбий ўз-ўзини фаоллаштириш.

Диссертациянинг “**Бўлажак ўқитувчи акмеологик компетентлигини такомиллаштиришнинг психологик-педагогик жараёнини психологик-педагогик моделлаштириш**” деб номланган иккинчи бобда бўлажак ўқитувчининг акмеологик компетентлигини такомиллаштиришнинг қуйидаги психологик-педагогик шартлари ёритилган:

ўқув субъектларининг ижодий ўзини ўзи англаш жараёни ва ўзини такомиллаштиришга йўналтирилган ижодий изланиш муҳитини яратишни таъминлайдиган ўқув-инновацион муҳит;

ўқитувчининг субъектив позицияси ва шахсий ҳисси ўзини такомиллаштириш томон доимий ҳаракат қилишга қаратилганлиги;

ўзини фаоллаштириш ўқитувчи ва талабалар ўртасидаги ишончли муносабатларни ташкил этишни таъминлаши, талабани ҳурмат қилиш, унинг ички имкониятларини тан олиш;

ўқитишнинг муаммоли методларидан фойдаланиш, педагогика, психология, акмеология фанларини ўқитишда ижодий тафаккурни ўстиришга қулайлик яратиши;

уларни ўрганиш у ёки бу назариянинг моҳиятини чуқур англаш, уларни қиёслаш, ўрганилаётган жараёнларнинг ички механизмларига чуқур кириб боришга имконият яратиши.

Бўлажак ўқитувчининг акмеологик компетентлигини самарали такомиллаштиришни баҳолаш мақсадида унинг касбий таълим жараёнида қўлга киритган малакалари ва шахсий сифатларини ташкил этувчи мезонлар ва кўрсаткичлар аниқланди. Зотан, биз бўлажак ўқитувчининг акмеологик компетентлигини такомиллаштиришнинг тузилмавий компонентлари сифатида мақсадни белгилаш, рефлексия ва касбий ижод жараёнини белгиладик, мазкур элементларнинг шаклланганлик даражасини баҳолаш учун эса унга хос мезонлар гуруҳини аниқлаш зарурати пайдо бўлади.

Биз бўлажак ўқитувчининг ижодкорлик даражасини белгилаш учун дарс ва дарсдан ташқари тадбирлар ва машғулотларда ижодкорликни баҳолаш мезонларини ишлаб чиқдик.

Бўлажак ўқитувчининг дарсларида унинг ижодини баҳолашда қуйидагилар ҳисобга олинди:

дарс мазмунига ижодий ёндашув;

талабаларнинг дарс жараёнидаги фаолиятнинг ҳар хил шакл ва турларга эгаллиги (ноанъанавий шакллар);

ўқув материални изчилликда тақдим этиш (эмоционал тўлақонлилик);

дарс мазмунини очиб беришдаги ўзига хослик; дарсда муаммоли вазиятлар яратиш;

ўзига хос тақдим этишда кўргазмали воситалардан фойдаланиш; дарс давомидаги кутилмаган вазиятларга бўлажак ўқитувчининг тез реакция бериши, ўзгарувчанлик хусусияти.

Ҳар бир кўрсаткич беш баллик тизим билан баҳоланди. Натижада *юқори, ўрта, паст* даражалар аниқланди.

Синфдан ташқари танловга қўйилган тадбирлар қуйидаги кўрсаткичлар бўйича баҳоланган:

сценарий сюжетининг оригиналлиги;
сюжет ва мавзунинг ўқувчилар ёш хусусиятлари билан боғлиқлиги;
ишда инновацион восита ва шаклларнинг қўлланилиши; материалнинг
хар хиллиги, унинг сюжетга ва ўқувчилар ёш хусусиятларига мувофиқлиги;
тадбирни олиб боришда ўқувчиларнинг қизиқиши ва фаоллиги; бўлажак
ўқитувчининг ўз ҳаракатлари, унинг тадбирни ўтказишдаги роли ва ўрни.

Ҳар бир кўрсаткич беш баллик тизимда баҳоланди. Натижада *юқори*,
ўрта, *паст* даражалар аниқланди.

Назарий таҳлил асосида мақсадларни белгилашнинг шаклланганлик
даражасини баҳолаш мезони бўйича қуйидаги даражалар ажратилди:

юқори – мустақил мақсад қўяди, унга эришиш учун конкрет вазифалар
қўяди, дастур белгиланади, мақсадга эришишнинг объектив шароитларини
аниқлайди, унга тўсқинлик этувчи сабабларни бартараф этиш йўлларини
белгилайди;

ўрта – мустақил мақсад қўяди, аммо унга эришишга унчалик
ишонмайди, мақсадга эришишга қаршилиқ этувчи кўп сабабларни
аниқлайди, уларни бартараф қилиш воситаларини танлашда қийналади,
мустақил дастур ишлаб чиқа олмайди, ўз кучларига ишонмайди;

паст – мустақил мақсад қўйишга қийналади, унга эришиш йўлларини
билмайди, дастур туза олмайди, ўз имкониятларига ишонмайди.

Экспериментал тадқиқотлар натижасида биз рефлексив малакалар
шаклланишининг учта даражасини белгиладик:

юқори – педагогик вазифаларни (педагогик фаолият рефлексияси) ҳал
қилишнинг умумий режасини берувчи, шу асосда ҳаракатга ўтишни
белгиловчи конкрет ўқув вазияти ва дунёқараш ўртасидаги алоқани ташкил
этиш; ўзи ҳақидаги, инсоний муносабатлар ва бошқа кишилар ҳақидаги
илгари шахс онгида бўлган маъно муносабатларни (ички шахсий рефлексия)
баҳолай олиш ва бошқа кишилар ҳаракатларини олдиндан билиш
тасаввурларини ўзида жамлаган конкрет вазият ва шахс дунёқарашини
ўртасидаги алоқаларни вужудга келтириш малакалари; ўз ҳаракатларини
бошқа кузатувчи шахс назари билан баҳолаш малакалари;

ўртача – ўқувчилар ҳаракатларини доим ҳам баҳолаш ва олдиндан
тахмин қилиш малакасига эга эмас; ўз ҳаракатларини бошқа кузатувчи киши
назари билан объектив баҳолай олмайди; бўлажак ўқитувчининг ўзига ва ўз
ҳаракатларига баҳо бериш қобилияти; яратиш малакаси;

паст – ўзига ва ўз ҳаракатларига доим ҳам объектив баҳо беришга қодир
эмас; ўқувчилар ҳаракатларини олдиндан билишга қийналади.

Шундай қилиб, бўлажак ўқитувчи акмеологик компетенцияси
такомиллашувининг уч даражасини ажратдик: *юқори*, *ўрта* ва *паст*. Улар
билим ва малакаларни ўзлаштириш, билишга оид ва амалий вазифаларни ҳал
қилиш усулларини эгаллаш, тараққиётда ҳаракатланиш интенсивлиги
даражасини белгилайди.

Бўлажак ўқитувчининг акмеологик компетенциялари такомиллашуви
жараёнини яхлит тасаввур этиш учун ушбу жараённи тасвирловчи модель
ишлаб чиқилди. Модель учта бир-бири билан боғланган ва бир-бирини

тақозо этувчи блоклардан ташкил топади: I – методологик; II – ташкилий; III – технологик.

Методологик блок таркибига “Бўлажак ўқитувчи акмеологик компетентлигини такомиллаштириш жараёни стратегияси”, “Бўлажак ўқитувчи акмеологик компетенциясини такомиллаштириш жараёнини назарий асослаш” кабилар киради.

Бўлажак ўқитувчи акмеологик компетенциясини такомиллаштириш жараёни стратегиясига бўлажак ўқитувчиларни акмеологик билимлар билан қуроллантириш ва бўлажак ўқитувчи акмеологик компетенциясида биз белгилаган тузилмавий компонентларни шакллантириш кириб, булар умумқасбий ва махсус фанлар мазмунини ўзида акс эттирган фанлараро интеграция ресурслари асосида ўтказилиши зарур. Моделлаштирилган объект асосига бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини такомиллаштириш жараёни хусусиятлари акс эттирилган аниқ назарий асослар қўйилган:

бўлажак ўқитувчи акмеологик компетенцияси такомиллашуви жараёни ўзининг шахсий-фаолиятлилик асосига эга;

бўлажак ўқитувчи акмеологик компетенцияси такомиллашуви жараёни педагогик тизим сифатида қаралади;

бўлажак ўқитувчининг акмеологик компетенциясини такомиллаштириш ўқитувчи акмеологик компетенциясининг бир бўлаги ҳисобланиб, ўз навбатида, у ўқитувчининг умумий маданияти таркибига киради;

бўлажак ўқитувчи акмеологик компетенцияси моҳияти асосланилди; бўлажак ўқитувчининг акмеологик компетентлиги структураси аниқланди.

Бўлажак ўқитувчилар акмеологик компетентлигини такомиллаштириш бўйича педагогик жараённи моделлаштириш асносида биз бу йўналишнинг тузилмавий компонентларини ажратдик, хусусан: *мақсадларни белгилаш, рефлексия, ижодкорлик*. Бизнинг ҳаракатларимиз шахснинг ушбу сифатларини шакллантиришга йўналтирилди. Хусусан, ҳаётий ва касбий стратегияларини билимли ҳолда туза оладиган, хато ва ютуқларини таҳлил қилиб, ўзининг кейинги ҳаракатларини башорат қила оладиган, доимий ижодий изланишда бўла оладиган, янги ютуқларга интила оладиган шахслар бўлажак ўқитувчилар акмеологик компетентлигини такомиллаштиришга мос кела олади.

Ташкилий блокка қуйидагилар киради: “Педагогик жараённи ташкил этишнинг умумий тамойиллари”, улар бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини такомиллаштиришнинг педагогик жараёнини дидактик-методик таъминлашга, умумқасбий ва махсус фанларни мувофиқлаштиришга йўналтирилган тамойиллардир;

“Бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини такомиллаштиришнинг психологик-педагогик шартлари”, уларга таълим жараёнини инсонпарварлаштириш; ўқув-инновацион муҳит; субъектив позицияни ва шахс сифатидаги мазмунни ривожлантириш; “ўзини ўзи” фаоллаштириш; таълимнинг муаммоли усулларини қўллаш киради.

“Бўлажак ўқитувчиларнинг акмеологик компетентлигини такомиллаштириш жараёни босқичлари”ни биз уч босқичга ажратдик:

Биринчи босқич – когнитив босқич (2-курс). Бунда бўлажак ўқитувчилар акмеология, касбий компетентлик, касбий ижодкорлик, рефлексив маданият, ўзини ўзи ривожлантириш ва такомиллаштириш бўйича зарурий тасаввурларга эга бўладилар.

Иккинчи – ижодкорлик-рефлексив босқичда (3-курс) бўлажак ўқитувчининг акмеологик компетентлиги такомиллашувининг тузилмавий компонентлари шаклланади ёки, бошқача айтганда, мақсадларни белгилаш, рефлексия, ижодкорлик шаклланади. Касбий таълимга ўқитиш жараёни, ўзини англашнинг ривожланиши давом этади.

Мазкур босқичда бўлажак ўқитувчи акмеологик компетенциясининг такомиллашуви жараёни умумкасбий ва махсус фанлар тайёргарлиги мазмуни ва воситалари ҳисобига амалга оширилади, шунингдек, махсус “Бўлажак ўқитувчилар касбий шахсий ривожланиши асослари” курси киритилиши мумкин. Бу курс ривожланишнинг ва ўзини ўзи ривожлантиришнинг акмеологик тамойиллари, касбий тайёргарликнинг механизмлари ҳақидаги билимларни бир тизимга солишга ёрдам беради. Махсус курс касбий тайёргарликнинг назарий ва амалий аспектларини интеграция қилувчи, ўзини ўзи ривожлантиришнинг тизимли бошланиши вазифасини бажаради.

Иккинчи босқичнинг хусусиятлари келгуси касбий фаолиятнинг муаммовий доирасини кенгайтириш, бўлажак ўқитувчилар касбий фаолиятини локал моделлаштириш шароитида уларнинг стратегик, рефлексив малакалари шаклланади; муаммоли вазиятларга диққат жамланади, чунки уларда малакалар фаоллашади ва улар фаол қўлланилади. Бу малакалар ўқув ва келгуси касбий фаолиятнинг муваффақиятини таъминлайди; адекват ўзини ўзи баҳолаш кўникмалари шаклланади, талабаларнинг индивидуал қизиқишлари, зарурати рағбатлантирилади; бўлажак ўқитувчилар аҳамиятли касбий сифатлари шаклланиши давом этади; махсус курс доирасида ижодкорликни ривожлантириш бўйича тренинглار ўтказилади.



Бўлажак ўқитувчилар акмеологик компетентлигини такомиллаштиришнинг иккинчи босқичида педагогика ва психология фанларининг интегратив ўзаро алоқаси таъминланади.

Бўлажак ўқитувчилар акмеологик компетенцияси такомиллашувининг учинчи босқичи ўзига технологик блокни ҳам қамраб олади ва ўқитувчи касбий-педагогик фаолиятини моделлаштириш шароитида, яъни педагогик амалиётни ўташ даврида амалга оширилади (4-курс). Таълим жараёнида шакланган тузилмавий компонентлар: мақсадларни белгилаш, рефлексия, ижодкорликка алоҳида урғу берилади ва уларнинг воқе бўлишига диққат қаратилади.



Технологик блок бўлажак ўқитувчилар акмеологик компетентлигини такомиллаштиришнинг лойиҳавий технологик тавсифи: жараёнга оид ҳолатлар, ташкилий бошқарув, мезонли баҳолашни қамраб олади.

Учинчи блок баҳолаш мезонлари, методик таъминлаш, назорат ва тузатиш (корректировка)ни ўз ичига олди. Бўлажак ўқитувчилар акмеологик

Мақсад: бўлажак ўқитувчининг акмеологик компетентлигини такомиллаштириш



Акмеологик компетентликни ривожлантириш мазмуни



Натижа: бўлажак ўқитувчининг акмеологик компетентлигини такомиллаштиришнинг юқори даражаси

компетентлиги такомиллашувини таъминловчи ўқув мазмуни ва дидактик воситаларнинг шаклланиш жараёни технологик тавсиф билан мос келган ҳолда фараз қилинади: моделлаштирилаётган жараённинг бош мақсадини аниқлаш, ўқув материални танлаш ва таркибини тузиш, уни муаммолаштириш.

Ижодий тафаккурни ривожлантириш учун муаммоли ва инверсион методлар қўлланилди. Бўлажак ўқитувчилар мунозарага, баҳсга, муҳокамага жалб этилди, бошқа талабаларда фарқли тафаккурни ривожлантириш, эпчиллик, ўзига хослик, самарадорлик, мослашувчанлик қобилиятларини ривожлантириш учун шароитлар яратилди.

Диссертациянинг **“Бўлажак ўқитувчиларда акмеологик компетентликни такомиллаштириш моделини экспериментал (тажрибада) текшириш”** деб номланган учинчи бобида бўлажак ўқитувчиларда акмеологик компетенцияларни такомиллаштиришнинг назарий ва амалий тайёргарлигини аниқлаш шунингдек, уни тажрибада текшириб кўриш масалалари баён этилди. Педагогик тажриба уч босқичда 2016–2019 йиллар давомида Бухоро давлат университети, Нукус давлат педагогика институти, Урганч давлат университети базаларида олиб борилди. Тажриба жараёнига 563 нафар респондентлар – “Педагогика ва психология” таълим йўналишининг 2–4-курс талабалари жалб этилди.

Назарий тайёргарлик педагогик циклга кирувчи маъруза ва семинарлард, “Бўлажак ўқитувчининг касбий ва шахсий ривожланиш асослари” махсус семинар курс доирасидаги машғулотларда амалга оширилди. Ушбу фанларни ўқитадиган ва тажриба ишига жалб этилган бўлажак ўқитувчилар тажрибани шакллантирувчи мақсад ва вазифаларга бўйсундирилган ҳолда унинг мазмунини қайтадан тузиб чиқиши, методларни танлаши ва қайта ишлаб чиқиши, таълим шакли ва воситаларини диалектик бирликда қараб чиқиши зарур эди.

Тажрибанинг асосий мақсади биз тавсия этган стратегик, рефлексив, ижодкорлик малакаларини шакллантиришга йўналтирилган педагогик жараён моделининг самарадорлигини текшириб кўришдан иборатдир.

Когнитив босқичда назорат ва тажриба гуруҳларида 2016–2017 ўқув йилида (2-курснинг 3–4-семестрларида) “Умумий педагогика” фани акмеологик ёндашув асосида ўқитилди. Бу машғулотларда бўлажак ўқитувчиларнинг ижодкорлик кўникмаларини ривожлантириш учун кўрик-танлов шаклида семинар машғулотлари олиб борилди. Танловга тайёрланиш даврида талабалар мустақил ҳолда кичик гуруҳлар таркибини ўзлари аниқладилар, мустақил дарслар ўтказдилар (педагоглар иштирокисиз). Бундан ташқари, “Умумий педагогика” фанини ўқитиш жараёнида бирламчи манбалар билан ишлашга ижодий ёндашув шакллантирилгач, бўлажак ўқитувчиларга шундай ишларнинг ҳар хил шакллари тавсия этилди: тезис режа-конспект, олим қўллаган асосий тушунчаларни ажратиб кўрсатиш, ўтмиш педагоглари фикрларини ҳозирги даврга мослаб уларнинг мазмунини аниқ тушуниш учун бошқача шаклда баён этиш. Ушбу вазифаларни бажариш жараёнида бўлажак ўқитувчиларда мактаб таълими муаммолари бўйича уларнинг мустақил позицияси пайдо бўлиши мумкин. Семинар

